ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

**Иқтисодиёт мактаби асосчиси
И.Т.Абдукаримовнинг 85 йиллик
юбилейига бағишланади**

«ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

(VII -қисм)

(2017 йил 24-25 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2017

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари (VII-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 264 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
Иқтисод фанлари доктори, профессор – **М.Қ.Пардаев**

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, профессор
Х.И.Турдибеков – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2017

С.Ҳусенов - СамИСИ катта илмий ходим изланувчи

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланган сари олий таълим тизимида ҳам босқичма-босқич ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Жумладан, олий таълим тизимининг жаҳон хужалигига интеграциялашуви меҳнат бозорининг ўсиб ва ўзгариб борувчи эхтиёжларига тезлик билан мослашиш талабини қўймоқда. Бу эса, олий таълимни ривожлантириш ва улар томонидан сифатли таълим хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш давлатни энг муҳим устувор вазифасига айланиб бормоқда. Бу боради Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" туғрисидаги фармонни имзоланиши фикримизнинг исботи десак, хато бўлмайди. Ушбу Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиздаги барча тармоқлар ва соҳаларни ривожланиши ўзига акс эттирган муҳим хужжатдир.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари яъни, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд –ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасини қамраб олган.

Ҳаракатлар стратегиясининг туртинчи устувор йўналиши яъни Ижтимоий соҳани ривожлантириш мамлакатимизда таълим тизими ва фан соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олган. Стратегияни ушбу банди таълим ва фан соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ янги тартибни белгилаб беради. У қуйидагиларни назарга тутади:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эхтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;
- таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоболари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қулланмалар билан жихозлаш орқали уларни моддий техник базасини мустахкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;
- мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларни хар томонлама интеллектуал, эстетик ва

жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

- умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика хамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;
- болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғилланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва спорт мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;
- касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;
- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнининг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасаларни фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқисма-босқич кўпайтириш;
- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш[1].

Харакатлар стратегиясида назарга тутилган барча тадбирлар давлатимиз томонидан инсон капитали ривожлантиришда таълим ва фаннинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни мантиқий давоми бўлиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг муваффақиятли дастури бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва фан соҳаларини ривожлантиришнинг бундай янги чора тадбирлари мамлакатимизда инсон капиталини хар томонлама сифат кўрсаткичини яхшилашни кўзга тутади. Харакатлар стратегиясида олий таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширишга алоҳида урғу берилган. Бизга маълумки олий таълим сифати инсон капиталини ривожланишида жуда катта аҳамият касб этади.

Олий таълим–ривожланадиган ва ўз-ўзини ривожлантирадиган тизим. У инсоният тараққиётининг барча босқичлари мобайнида тупланган тажрибани янги авлодларнинг онгига сингдириш ва маданият, фан,

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" туғрисидаги фармони. Lex.uz

техника, умуман, жамиятни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга маъсул этилган. У ўзига хос бўлган қонуниятлар асосида фаолият юритади, ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий шароитларни бевосита таъсири остида ривожланади[2].

Хозирги шароитда мамлакатнинг иқтисодий юксалиши унинг инсон капиталини ривожланганлик даражасини билан белгиланади, бу эса кўпроқ олий таълим сифатига боғлиқдир. Бизга маълумки, инсон капитали таълим хизматлари асосида шаклланиб ривожланади. Шунинг учун олий таълимда сифатни яхшилаш яъни сифатли инсон капитали тайёрлаш ҳамма вақт ҳам долзарб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Олий таълимда сифат масаласи борасида жуда кўп тадқиқотлар амалий ишлар қилинган. Аммо олий таълимда сифат кўрсаткичи бўйича соҳа мутахассислари ўртасида хали хануз мунозаралар давом этмоқда. Олий таълим сифати бу кўп қиррали тушунча бўлиб ўқув жараёнини мазмунан бирлиги ва давлат томонидан ишлаб чиқилган таълим стандартларига боғлиқ бўлиб хисобланади. Хақиқатдан ҳам олий таълимнинг сифати бу барқарор ўзгармайдиган ходиса эмас. Чунки бозор иқтисодиёти доим ўзгаришда ва ривожланишда бўлганлиги боис таълим тизими ўзгаришларга мослаша оладиган сифатли кадрларни тайёрлашга тайёр бўлиши керак бўлади. Акс холда бундай олий таълим муассасаси фаолият кўрсата олмайди.

Олий таълим ҳар қандай ўзгаришларга маслашиши учун ички ва ташқи ўзгаришларни инобатга оладиган, интеграция ва глобализация натижаларини олдиндан кўра оладиган даражада кучли тизимга эга бўлиши талаб этилади. Бизнинг фикримизча олий таълим муассасаси ўз мижозларини ўзи топиш тамоили билан ишлаши мақсадга муофиқ бўлар эди. Нима учун айнан шу тамоил билан? Сабаби, олий таълим муассасасини битирувчиларига бўлган талабни кўчлилиги ўша битириб чиқаётган таълим муассасасининг юқори кўрсаткичларга эга эканлиги ва салоҳиятини билдиради. Буни янада соддароқ қилиб айтадиган бўлсак олий таълим муассасасига кириш соддалаштирилган, унда мутахассислик бўйича ўқиш ва мувоффақиқиятли битириш эса анча мўраккабдир. Бунга мисол қилиб ривожланган мамлакатлардаги олий таълим муассасаларини айтишимиз мумкин (Гарвард, Калумбия, Оксфорт, Кембриж университетлари). Яна бир муҳим жиҳат олий таълим муассасалар ўртасида кўчли рақобатни мавжудлиги ҳам улар фаолиятини янада сифатли бўлишлигига ундайди

Олий таълим сифати бўйича хорижий давлатларда ҳам турлича ёндошувлар мавжуд. Хозирги кунда ривожланган мамлакатларда олий таълим сифати TQM ва ISO 9001:2008 сериясидаги ҳалқаро стандартлар асосида баҳоланади. Мисол учун АҚШ ва Франция олий ўқув юртларида сифатни ялпи бошқаришда уч жихатдан қаралади:

- таълим муассасасидаги ва уни битиргандан кейинги кадрлар

[2] Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: Ўқув қўлланма. 2011 й . 7 бет

таълимида, шунингдек, мухандислик йўналишларида TQM (Total Quality Menejment- ялпи сифатни бошқариш менежменти)ни мустақил ўқув фани сифатида ўтиш (кўпгина таълим муассасаларида бу фан мухандислик ихтисосликлардаги барча талабалар учун мажбурий қилиб қўйилган);

- TQM қоида ва усулларидан фойдаланиб, бошқа фанларни ўқитишни ташкил этиш;
- TQM ғоялари асосида таълим тизими бошқарувини ташкил этиш. TQM билан танишиш сифат концепсиясини тўрт йўнали бўйича сифат тушунчаси эволюциясини кўриб бошланади:
  - стандартга муофиқлик;
  - қуллашга муофиқлик;
  - аён бўлмаган эҳтиёжга муофиқлик[3].

Россия давлатидаги айрим манбаларда сифат борасида қуйидаги таъриф берилган, яъни сифат талабалар тавсифига хос мослик даражасидир[4]. Унинг икки томони кўрсатилади: 1) таълим жараёни натижаси сифати; 2) сифатни таъминловчи системалар тавсифи. Бунга таълим мазмуни,абитурентларни тайёрлаш жараёни, педагог кадрлар, ахборот-методик таъминот, таълим технологиялари, илмий фаолият кириши айтилади.

Шу билан бирга, сифат тушунчаси олий таълимдан манфаатдор гуруҳлар ва турли ваколатли ташкилотлар томонидан турлича қабул килиниши мумкин. Ундан ташқари халқаро аҳамиятга эга бўлган айрим манбаларда унинг уч компонентини учратишимиз мумкин.

1. Таълим субъектлари. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:
   - таълим ташкилотчилари. Уларга ректор, деканат, ўқув бўлими, кафедралар киради;
   - таълим хизматларини кўрсатувчи шахслар. Уларга профессор-ўқитувчи, методист, маслахатчти, лаборант, дастур ва ўқув адабиётлари киради;
   - таълим хизматларидан баҳраманд бўлувчи шахслар. Уларга талаба ва тинговчилар киради.
2. Таълимни меёрий ҳужжатлари. Уларга таълим концепцияси ва парадигмалари, ўқитиш технологиялари, ўқув адабиётлари, сифатли билимларни бериш ва назорат қилиш методлари киради.
3. Таълим муҳити. Бунга ижтимоий, маданий, психологик муҳитлар киради[5].

---

[3] Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: Ўқув қўлланма. 2011 й . 97 бет

[4] Левшина В.В. Развитие методологии создания системы менеджмента качества вуза// Университетское управление. 2003, № 2, стр.1

[5] Наймушин А.И. Структура системы управления качеством образования. Основные направления развытия /Интернет янгиликлари// Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиў маркази ахборотномаси, 2004, январ, 7-б

Ушбу келтирилган компонентларни хар бири меёрида ишласа олий таълим сифати етарли даражада юқори бўлади.

Мамлакатимизда таълим сифати “Таълим туғрисидаги” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” улар асосида ишлаб чиқилган “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” асосида назорат қилиниб келинмоқда. Ундан ташқари 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1426 Қарори ва 2011 йил 20 майдаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорлари ҳам олий таълим сифатини яхшилаш борасида жуда катта амалий ишлар қилинди. Айтиш жоизки, яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси хам (4.4 банди. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш) олий таълим сифатини янада оширишнинг янги босқичига олиб чиқади.

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Адилова С.А.	Тил ўрганишнинг самарали усуллари ҳақида айрим мулоҳазалар	206
Хайдаров О. З., Бойназаров У., Рахмонов Ш.	Туризм соҳасини ривожлантиришда етук кадрларни тайёрлаш масалалари	210
Хайдаров О., Ашурова З.	Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масалалари	213
Pardayev J., Imomov N.	Xizmat ko'rsatish sohasida kadrlar tayyorlashning ahamiyati	215
VIII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”		
Пардаев М.Қ., Мирзаев Ф.И., Пардаева И.М.	Ўзбекистон тараққиёти жаҳон рейтингида	219
Суюнов И.Х., Суюнова К.Б.	Ўзбекистон Хитой муносабатларининг такомиллашуви – мамлакатимиз ободлиги, сайёҳлик муносабатларининг ривожланиши учун асос эканлиги	223
Raxmonov D.R., Rajabova S.A.	Infratuzilma va chorvachilikda uni yanada rivojlantirish imkoniyatlari	226
Bozorov B.U., Djalilov F.A.	Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish yo’llari	229
Yoqubjonov A.B., Xoliqova L.N.	Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojlanishining nazariy va metodologik asoslari	232
Ochilova N.X.	Igtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida raqobatning jamiyat va xo’jalikdagi o’rni	235
Салимов Ғ.Қ.	Саноат корхоналари қийматини баҳолашнинг айрим жиҳатлари	238
Рахимова У.З., Шерқулов А.	Иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш	242
Karimova M.A.	Iqtisodiyotni modernizatsiyalashda xususiy tadbirkorlikning o‘rni	245
Usmanov Z.B., Usmonova Yu., Zoyirov O.	Kichik biznes va hususiy tadbirkorlikning rivojlantirish yo‘llari	247
Ҳусенов С.	Олий таълим сифати инсон капитали ривожланишининг муҳим омили	251

2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси
Босма табоқ 16.5
Буюртма № 14 Адади 100 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А.Темур кўчаси, 9 уй.